*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 166 (8156). 1 сентябрь, 1983 йил ПАЙШАНБА

Баҳоси 3 тийин

## ОЛИЙ МУКОФОТ МУБОРАК!

*СССР Олий Совети Президиумининг Фармони*

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Шаҳар меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари, Улуғ Ватан урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси, хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун ва асос солинганлигининг 2000 йиллиги муносабати билан **Тошкент шаҳри Ленин ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль,
1983 йил 31 август.

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

**БУГУН — БИРИНЧИ СЕНТЯБРЬ! Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ўқув юртлари, техникумларда чалинган таниш қўнғироқ овози янги — 1983—84 ўқув йилининг бошланганлигидан дарак беради. Миллион-миллион йигит-қизларимиз, алифбо қўлтиқлаган жажжи кичкинтойлар илм даргоҳлари бўсағасига эзгу ниятлар билан қадам қўядилар.**

**Областимиз ва Тошкент шаҳридаги барча олий ўқув юртлари, мактаблар, бошқа билим даргоҳлари янги ўқув йилини яхши тайёргарлик билан кутиб олдилар. Мактабларни муддатидан илгари ва сифатли тахт қилиб қўйиш ишлари Бекобод, Чиноз, Оржоникидзе, Тошкент районларида, шунингдек, Бекобод, Янгийўл, Янгиобод, Чирчиқ сингари шаҳарларда барвақт тугалланди. Янги мактаб бинолари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар қуриш, мавжудларини капитал ва жорий ремонтдан чиқариш, қўшимча синф хоналари ва ўқув кабинетлари барпо этишда педагогик коллективларга кенг жамоатчилик, оталиқ ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари жуда катта ёрдам бердилар.**

**Ўзининг 2 минг йиллик юбилейи арафасида турган пойтахтимиздаги 19 та олий ўқув юрти, областимиздаги 798 мактаб, 57 та ҳунар-техника билим юртларининг коллективлари бугун ўзгача кайфият, ўзгача ғайрат-шижоат билан иш бошлайдилар. 1 сентябрь тонгида 30 мингга яқин студент, 410 мингга яқин ўқувчи, ҳунар-техника билим юртларининг 7,5 мингдан зиёд талабалари қувона-қувона севимли институтлари, қадрдон мактаблари томон йўл оладилар.**

**Умумий таълим мактабларининг 1—10 (11)—синфларида бугун ўтказиладиган биринчи дарслар «Тинчлик дарси» деб аталади. Бу дарсларни ўтказиш уруш хавфининг характери ва миқёсини англашга, унинг қаердан келиб чиқаётганлигини тасаввур қилишга, КПСС ва Совет ҳукумати турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш ҳақидаги принципларига амал қилиб, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун изчил ва қатъият билан курашиб келаётганликларини ўқувчилар яхшироқ тушунишларига ёрдам беради.**

**«Мактаб ёшидаги биронта бола ўқишдан четда қолмасин!» деган шиор асосида иш кўраётган мактабларимиз, халқ хўжалигимизга малакали ишчи кадрлар етказиб бераётган ҳунар-техника билим юртларимиз олдида бугун ғоят жиддий ва масъулиятли вазифалар турипти. КПСС XXVI съезди қарорларини, шунингдек, партия ва ҳукуматимизнинг олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини юксалтириш, олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим-тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш ҳақидаги кўрсатмаларини бекаму-кўст амалга ошириш борасида ҳали талайгина ишлар қилинмоғи керак.**

**Ёш авлодга таълим-тарбия беришни такомиллаштириш борасида областимизда ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида қатор янги мактаб бинолари қуриб, фойдаланишга топширилди. 41 та болалар мусиқа мактаблари, 56 та ишчи-ёшлар, 14 та қишлоқ-ёшлари мактаблари, 173 та кун узайтирилган мактаблар талабаларга ҳар томонлама таълим-тарбия беришда такомиллаштирилган программалар асосида иш олиб бориб, маълум ютуқларни қўлга киритмоқдалар.**

**Чирчиқ шаҳридаги 2-, 20-, Бекобод районидаги 2-, 11-, Оржоникидзе районидаги 33-, Бўстонлиқ районидаги 2-, Тошкент районидаги 19-мактабларнинг ўқув кабинетларини жиҳозлаш, дарсларда техника воситаларидан фойдаланиш бўйича тажрибалари диққатга сазовордир. «Ҳар бир мактаб ўқувчисига — чуқур ва мустаҳкам билим, актив ҳаётий позиция!» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган Тошкент шаҳар Киров райони умумий таълим мактаблари ўқитувчиларининг бу мурожаати тобора кенг ёйилмоқда ва областимиздаги, ҳатто республикамиздаги кўпгина мактаблар фаолиятига жорий этилмоқда.**

**Ҳаёт бир ерда қотиб қолмайди. Ўқиш ва ўқитиш жараёни ҳам худди шундай. У ҳамиша ўсишда, ривожланишда. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия ишларининг янги-янги шаклларини ижод қилишимиз, шаблон услублардан батамом воз кечишимиз керак. Назарий жиҳатдан пухта, амалда синаб кўрилган илғор тажрибалар педагогик коллективлар иш усулининг мезони бўлиб қолмоғи лозим.**

**Бугунги асосий мазмунфалар кўлами анчагина кенг. Мактабларда ўқитиш, меҳнат тарбияси ва аҳлоқий тарбия сифатини тобора ошириб боришимиз керак. Ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг меҳнатлари самараларини баҳолашда расмиятчиликка барҳам беришимиз, ўқув бўғинлари билан ҳаёт муаммоларининг чамбарчас боғланишини амалда мустаҳкамлашимиз, болаларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлашни янада яхшилашимиз талаб этилади.**

**Илм даргоҳларида турли фанлар асосларини ўрганаётган барча талабаларни коммунистик рухда тарбиялашга, уларда марксизм-ленинизм дунёқарашини, коммунизмнинг актив бинокори бўлган социалистик жамият граждани фазилатларини шакллантиришга алоҳида эътибор бермоқ ҳар бир педагогик коллективнинг диққат марказида бўлмоғи керак. Зотан, ўртоқ Ю. В. Андропов айтганидек: «...Партия бизда инсон шунчаки муайян билимлар йиғиндиси соҳиби бўлибгина эмас, балки аввало социалистик жамият граждани, унга хос йўл-йўриқларга, ахлоқ ва қизиқишларга, юксак меҳнат ва ҳулқ-атвор маданиятига эга бўлган коммунизмнинг актив қурувчиси бўлиб тарбияланишига эришмоқда».**

**Таълим-тарбиянинг диалектик бирлиги, коммунистик тарбияга комплекс ёндашиш ўқиш ва ўқитишга даҳлдор барча ташкилотларнинг, барча ўқитувчиларнинг ҳамиша ёнида турмоғи лозим. Халқ маорифи органлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари мактабларимиз фаолиятига замонавий талаблар нуқтаи назаридан қарашлари, ақлий ва жисмоний тарбиянинг уйғунлигига эришиш — келажак кишисини тарбиялашдаги муваффақиятлар гарови эканлигини унутмасликлари зарур.**

**Янги ўқув йили билим масканлари маъмурияти олдига, ўша жойлардаги партия ташкилотлари олдига юксак талаблар қўяди. Уларнинг вазифаси партия сиёсатининг кўп сонли ўқитувчилар ижоди билан қўшилиб кетишига, халқ маорифи, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда «Ҳақиқатан ҳам коммунизм талаб қилаётганидек иш тутишга» ўргатадиган бўлишига сабот билан ҳаракат қилишдан иборатдир.**

**Ешларга чуқур билим ва таълим берайлик. Уларни замонавий фанларнинг асослари билан ҳар томонлама пишиқ-пухта қуроллантирайлик. Чунки келажак кишисини вояга етказиш, ишлаб чиқариш илғори, новаторини етиштириш, ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар революцион ва меҳнат анъаналарининг содиқ давомчиларини тарбиялаш ҳаммамизнинг шарафли, масъулиятли ва муқаддас бурчимиздир.**



Шўлат МЎМИН

## МАКТАБ ОҒУШИДА

Тошкентимиз тўйига
Очилди янги мактаб.
Бу мактабни аслида
Қуришди бизга атаб.

Мактабмисан,
мактабдир,
Гулдир Тошкент кўркига.
Ҳар бир нарса авайлаб,
Қўйилгандай ўрнига.
Қурувчиларга раҳмат,
Қўйса бўлар «беш» баҳо.
Ҳаммаёқ ярақлайди,
Синфлари баҳаво.
Ҳовлиси ҳам каттакон,
Чаманзорга айланган.
Танаффус бўлган чоғи
Яйрайди сайр айлаган.

Сентябрь байрамини
Кутгандик хўб орзиқиб,
Ильич ўқиган каби
Ўқиймиз зеҳн қўйиб.
Унинг иссиқ меҳрини
Олганмиз дилга туйиб.
Бизларга Ильич бобо
Энг меҳрибон эдилар.
Бизнинг мурғак қалбимиз
Шу меҳрдан етилар.
Доҳий йўлин дарсларда
Ўрганмоқлик олий қарз.
Орзуларга йўл очар
Янги мактаб, янги дарс.

Тошкентимиз ўзи ҳам
Чин қардошлик мактаби,
Дўстлик дарси ўтилар
Янги мактаблар каби.
Икки минг йил илгари
Бунда мактаб бўлганми?
Бўлса ҳозирги кундай
Болаларга тўлганми?
Очилган янги мактаб
Бойдир мазмун, таърифга.
Бизнинг мактаб яшасин,
Кирди шонли тарихга!

# ТОНГНИ ҚАРШИЛАБ

СУБҲИДАМ. Феруза осмондаги юлдузлар милт-милт этиб секин-аста кўздан ғойиб бўлмоқда. Ҳар сафаргидек бу гал ҳам тонг юлдузини ўз қадрдон даласида кузатиб қолган Мамадали карта четида турган трактorини юргазди-да, пахтазор оралаб кетди.

— Ўғлим, — деб насиҳат қилар эди отаси унга.— Ишни уйқусида босишга ўрган. Эрталабки меҳнат, айниқса, баракали, ҳосиятли бўлади.

Мамадали ҳамиша ота ўгитини ёдда тутиб ишлайди.

У 1971 йилда ўрта мактабни тугатгач, бир группа ҳамқишлоқлари қатори механизаторлик курсига ўқишга кирди. Ўқишни имтиёзли диплом билан тугаллади. Қадрдон қишлоғига — Ўртабўзга ишга келди. У тажрибали ветеран механизатор Хидир Эрназоровга шогирд тушди. Тез орада у трактorни моҳирлик билан бошқаришни яхши ўзлаштириб олди. Энг муҳими у техника қаровини ўрнига қўяр эди. Буни кўрган устоз қувонар, яша укам, иш қуролинг соз бўлса, машақкатинг оз бўлади, техникани қадрласанг, асраб-авайласанг кам бўлмайсан, дерди.

Мамадали Ражабов эндиликда колхознинг илғор механизатори, ёшларнинг севимли устози. У бир неча йилдирки, колхознинг ўртоқ Бекназар Оллоназаров бошлиқ бригадасида ишлаб келмоқда. Об-ҳаво анча ноқулай келган бу йилги шароитда ҳам у ғоятда зийраклик кўрсатиб меҳнат қилди. Ҳар бир сувдан сўнг ғўза қатор оралarини кам деганда икки марта сифатли культивация қилинишини таъминлади.

— Бригадамизнинг ери 96 гектар, — дейди Бекназар ака. — Мана кўриб турибсиз, ғўзаларнинг ривожи яхши, кўсаклар ғуж-ғуж. Бунда механизаторимиз Мамадалининг ҳиссаси катта. У ўз ишини сувчилар билан бамаслаҳат, ҳамкорликда ташкил этди. Ҳар бир даланинг шароитига қараб культивация ўтказди. Гектарларда мўлжалдаги кўчатлар сақлаб қолиниб, серҳосил қилиб ўстирилди. Биз Мамадалининг ишидан ғоятда хурсандмиз.

Э. ИСМОИЛОВ,
Бекобод райони, Ленин номли колхоз.

## ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига салмоқли ҳисса қўшиш учун ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб меҳнат қилаётган Калинин районидаги «Москва» совхози деҳқонлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда айрим чорвачилик маҳсулотлари топшириш йиллик плани ўтган йилдагига нисбатан бир ярим ой илгари бажарилди.

Шу кунгача қабул пунктларига пландаги 7250 тонна ўрнига 7256 тонна сабзавот маҳсулотлари, 1180 тонна ўрнига 1838 тонна картошка етказиб берилди. Шунингдек, давлатга 29 тонна гўшт топширилиб, йиллик план 181,2 процент қилиб адо этилди.

Бу ютуқ совхоз ишчилари, механизаторлари ва мутахассисларининг сув танқислигини енгиш йўлида олиб борган фидокорона меҳнатлари самарасидир.

Сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилини йиғиштириб олиб, давлатга топшириш давом этяпти. Айни кунларда экинларнинг аҳволи яхши. Совхоз ишчилари ўз имкониятларини ҳисобга олиб икки йиллик план миқдорида картошка топширишни мўлжалламоқдалар. Инд охиригача социалистик мажбуриятда белгиланган 8500 тонна ўрнига 9 минг тонна сабзавот етказиб берилади. Картошка ҳосилдорлиги 250 центнер, сабзавот ҳосилдорлиги эса 400 центнер бўлиши таъминланади.

## ҲИССАСИ КАТТА

КОММУНИСТИК районидаги «Политотдел» колхозининг Худойберди Ортиқов етакчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар.

Эрта баҳордан то шу кунгача барча дала ишлари ана шу юксак мажбуриятга яраша ташкил этилди. Эндиликда қийинчиликлар ортда қолди.

— Биз имкониятларимизни чамалаб чиқдик, — дейди бригадир. Ҳар туп ғўзада 10—12 тадан бўлиқ кўсак бор. Олди карталарда кўсаклар очила бошлади. Йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Бригадир бу йилги шароитда мўл ҳосил етиштириш осон бўлмаганлигини айтди.

— Айниқса, — деди у,— чигит униб чиққан дастлабки кезларда сувдан қийналдик. Бироқ маҳоратли деҳқонларимиз ўзларининг бой тажрибаларини ишга солдилар. Бу ўринда Малик Ғанибоевнинг хизматини ҳаммамиз алоҳида қадрлаймиз. У уста сувчи. Ҳар бир картанинг ҳолатини ҳисобга олиб сув қўйди. Ўз группасидаги сувчиларнинг меҳнатларини ташкил этишга ҳам ёрдам берди. Оқова сувларнинг ҳам исроф бўлишига йўл қўйилмади.

Бу бригадада ҳар ким: хоҳ механизатор, хоҳ сувчи бўлсин, хоҳ оддий колхозчи бўлмасин ишни режа билан ташкил этди.

Бригада аъзолари йиғим-теримни ҳам уюшқоқлик билан ташкил этиб, етиштирилган барча ҳосилни қисқа муддатларда териб давлатга топшириш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

З. ТОЖИБОЕВ.

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

30 август куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Президиум Белоруссия ССР халқ депутатлари Советларининг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасида бажараётган ишн тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков ахборот берди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, республикада шу беш йилликда қишлоқ хўжалигининг ривожи бир мунча сусайди, унинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланмади. Белгиланган планларни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат, план ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш кўзда тутилганлиги уқтириб ўтилди.

Қарорда Белоруссия ССР Олий Совети Президиумига партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь, 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларига амал қилиб, республикадаги совет ва хўжалик органларининг Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги ишини кучайтириш, ер, техника, ўғитлардан, бутун ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни яхшилаш, қишлоқда бундан буён ҳам социал ўзгаришларни амалга ошириш шу йилнинг планлари ва социалистик мажбуриятларини ҳамда умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун уларнинг масъулиятини ошириш тавсия этилди.

Халқ депутатлари Советлари қишлоқ хўжалик техникасини, запас қисмлар ва минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш билан боғланган масалаларга доим зўр эътибор беришлари, республикадаги бутун агросаноат комплекси корхоналари ва ташкилотларининг иши устидан амалий назорат ўрнатишлари керак.

Белоруссия ССР маҳаллий Советларига, уларнинг ижроия комитетларига қишлоқ социал проблемаларини ҳал этиш соҳасидаги ишларни яхши йўлга қўйиш, аҳоли пунктларини обод қилиш, қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган хизматни такомиллаштиришга кўпроқ эътибор бериш таклиф этилди.

Шундан кейин мажлисда Новосибирск область халқ депутатлари Советларининг уй-жой қурилиши ҳақидаги қонунни бажариш соҳасида қилаётган ишлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Халқ депутатлари Новосибирск область Совети ижроия комитетининг раиси В. А. Филатов ахборот берди.

Ахборотда ва сўзга чиққан кишиларнинг нутқларида бу ишдаги ижобий тажриба билан бир қаторда Новосибирск область халқ депутатлари Советларининг уй-жой қурилиши планларини бажариш ва уй-жой қурилиши ҳақидаги қонунининг ижро этилишини таъминлаш соҳасидаги ишида катта камчиликлар борлигига ҳам эътибор берилди.

Қарорда Новосибирск область халқ депутатлари Советларига ва уларга қарашли органларга КПСС Марказий Комитетининг «Уй-жой ва социал-маиший объектлар қуриш планларининг бажарилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ва СССР Олий Совети Президиумининг «Уй-жой ва социал-маиший объектлар қуриш планларининг бажарилишини таъминлаш соҳасида халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини амалга оширишга қаратилган ишларни кучайтириш топширилди: тегишли корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда 1983 йилда ва умуман ўн биринчи беш йилликда уй-жой қурилиши планларини бажариш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин. Уй-жой ҳақидаги қонун асослари ва уй-жой тўғрисидаги бошқа қонунлар талабларининг пухта бажарилиши таъминлансин, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг бу қонунларни бажариши устидан назорат кучайтирилсин; уй-жой қурилиши планларини бажариш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлашда доимий комиссиялар, депутат постлари, аҳоли жамоат ташкилотларининг активлиги оширилсин.

Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган граждапларни ҳисобга олишда, шунингдек уй-жойларни тақсимлаш ва беришда тегишли тартиб ўрнатиш таклиф қилинди.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Қурилиш министрлигига, СССР Қишлоқ қурилиши министрлигига, Новосибирск областида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи бошқа министрликларга, шунингдек ССР Иттифоқи Прокуратурасига, СССР Халқ контроли комитетига, СССР Юстиция министрлигига ва СССР Олий судига тегишли топшириқлар берди.

Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг президиумларига халқ депутатлари маҳаллий Советларининг уй-жой қурилиши ҳақидаги қонунни бажариш соҳасидаги фаолиятига доимий эътибор бериш тавсия этилди.

Мажлисда давлат ҳаётига доир бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ТАСС).

---

**Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози деҳқонлари бу йил 980 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Айни кунларда ғўза парваришини давом эттириш билан бирга йиғим-теримга ҳам тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилган. Суратда: колхоз партия комитетининг секретари А. Исаев ва комсомолёшлар бригадаси бошлиғи А. Алимов ўртоқлар.**

А. Тўраев фотоси.





# АССАЛОМ, СЕНТЯБРЬ!

## ЯНГИ ТАЛАБЛАР, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Бугун биринчи қўнғироқ овози янграши билан мактаб йўлаклари, синф хоналари пионер ва ўқувчилар билан яна гавжумлашиб кетади. Ўқитувчи ва тарбиячилар ёшларни Советлар юртининг муносиб граждани қилиб вояга етказиш, уларга илм-фан сирларини ўргатишдек масъулиятли ва шарафли вазифаларини сидқидилдан ўташга киришадилар.

Халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, область халқ маорифи бўлими КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, янги ўқув йилига қизғин ҳозирлик кўрдилар. Маҳаллий партия, совет органларининг раҳбарлиги, хўжалик ва ташкилотларнинг оталиқ ёрдамлари туфайли мавжуд 798 та мактаб биноси, 8 та мактаб-интернат, 95 та мактабдан ташқари ва 254 та мактабгача тарбия муассасалари муддатидан барвақт мавсумга тахт қилиб қўйилди. Барча илм масканлари зарур жиҳозлар, янги кўргазмали ўқув қуролларини, дарсликлар билан тўла таъминланди. Бу борада Бекобод, Чиноз, Оржоникидзе, Тошкент районлари, Бекобод, Янгийўл, Янгиобод ва Чирчиқ шаҳар маорифчилари алоҳида ташаббускорлик ва ғайрат кўрсатдилар.

Областимиз қурувчиларининг унумли меҳнат қилишлари эвазига 1 сентябрдан бошлаб Ангрен шаҳри, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северный маяк», Ким Пен Хва номли колхозлар, Туябўғуз посёлкаси, Бўка районидаги «Коммунизм», Ғалаба районидаги Ҳамза номли, Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозларида, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон», Калинин районидаги «Москва», «Хасково», Паркент районидаги «Ленинобод» ва «Бўстон» совхозларида 8600 ўринли 13 та янги маърифат масканлари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 850 нафар кичкинтойга мўлжалланган бир нечта мактабгача тарбия муассасалари, 26 та ошхона, 7 та тиш даволаш кабинетлари, 120 та ўқув кабинети, 60 та устахона, 9 та ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг ташкил этилиши ҳам ёшларнинг пухта билим олишлари ва касб ўрганишлари учун катта ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидан далолат бериб турибди. Бу йил 132 та мерганлик тирлари, 25 та спорт зали, 10 та сузиш ҳавзаси ва 45 та чўмилиш ҳовузларининг ўқувчилар ихтиёрига топширилиши ҳам қувончли ҳолдир.

Таълим-тарбия ишларини ривожлантиришда мактабгача тарбия муассасалари ва куни узайтирилган группаларнинг аҳамияти катта эканлигини эътиборга олиб мавжуд 879 та болалар боғчалари ва яслиларида бошланғич таълимни ривожлантиришга эътиборни кучайтирамиз. Бу кичкинтойлар масканларида тарбияланаётган 129 минг 40 нафар ёшларнинг 42,5 процентини келгуси йили мактабга борадиган болалар ташкил қилади. Куни узайтирилган мактаб ва группалар 146,5 минг ўқувчини қамраб олади.

Бу йил ўрта ва саккиз йиллик мактабларнинг барчаси тўлиқ кабинет системасига ўтказилади. Ҳозирги кунда мактабларда жами 7960 та фан кабинетлари, 2364 та устахона ишлаб турибди. Бундан ташқари 59 та мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, дарсдан ташқари олиб борилаётган тарбиявий ишлар миқёси ҳам кенгайди. Турли фан, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, музика мактаблари, ёш ўлкашунослар, тарих ва география музейлари, ёш мухбирлар, лекторлар мактабларида ўтказиладиган машғулотлар, баҳс-мунозаралар, бадиий кечалар, партия, меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Мактаб педагогик ва ўқувчилар коллективлари СССР Озиқ-овқат программасини бажаришга ҳам муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяптилар. Ўқув йили мобайнида қуёнчилик фермалари томонидан 3700 дона қуён териси топширилади, мамлакатимиз металлургия заводлари учун 23,4 минг килограмм рангли металл парчалари тўпланади. Ўқувчилар ўзлари яшаётган шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этиб, 746 минг туп ниҳотали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказадилар.

Сўнгги йилларда областимизда мактабларни педагогик кадрлар билан тўла таъминлаш вазифаси муваффақиятли ҳал этилмоқда. Янги ўқув йилида яқиндагина олий ўқув юртлари ва педагогика билим юртларини муваффақиятли тугаллаган кўплаб ёш мутахассислар дастлабки меҳнат фаолиятларини бошлайдилар. Умуман олганда, бугунга келиб мактабларимизда 27204 ўқитувчи ёш авлодга сабоқ бермоқда. Улардан 3598 нафари СССР орден-медалларига, 121 нафари «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига, 1372 педагог «Халқ маорифи аълочиси» нишонларига сазовор бўлишган.

Коллективларда тажрибали муаллимларнинг ўқитиш методларини кенг жорий қилишлари ютуқларга эришишда муҳим омил бўляпти. Бунда Чиноз районидаги 7-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Обид Муҳиддинов, Бўка районидаги 41-ўрта мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Алибек Асилов, Янгийўл районидаги 50-ўрта мактабнинг физика ўқитувчиси Раҳматулла Азимовларнинг тажрибалари жуда қўл келмоқда.

Одатдагидай бу йил ҳам мактабларда рус тилини ёшларга мукаммал ўргатиш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Янги ўқув йилини ўқувчиларимиз ҳам хуш кайфият, муносиб тайёргарлик билан кутиб оляптилар. Ёзги таътил давомида 300 мингдан кўпроқ пионер ва ўқувчиларимиз хушманзара ва сўлим жойларда ташкил қилинган лагерларда, меҳнат ва дам олиш зоналарида мазмунли ҳордиқ чиқардилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов партия Марказий Комитетининг июнь Пленумида сўзлаган нутқида мактаб ўқитувчиси жамиятимизнинг ишончли вакили бўлиши лозимлиги ҳақида алоҳида таъкидлаган эди. Областимиз маорифчилари бу ишончни оқлаш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва таълим системасини такомиллаштириш учун бундан кейин ҳам бутун куч-ғайратларини аямайдилар.

**А. НАЗАРОВ,**
область халқ маорифи бўлими мудири.

**ЎҚИТУВЧИ — ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ТАРБИЯЛАШДА ЖАМИЯТНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ, АГИТАЦИЯ ВА ПРОПАГАНДАДА, БУТУН ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИДА ПАРТИЯНИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИДИР.**

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми материалларидан.

## ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАРИ ТАЙЁРЛАЙМИЗ

Мамлакатимиз халқ хўжалиги тобора ривож топгани сайин турли соҳалар бўйича ишчи кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёж ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда партия ва ҳукуматимиз малакали мутахассислар тайёрлаш учун доимий ғамхўрлик қилмоқда, эртанги кунимиз ижодкори бўлмиш ёшларни тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бу муҳим ишда ҳунар-техника билим юртларининг роли тобора ортиб бораётганлиги ҳақида КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида алоҳида таъкидланди.

Муносиб ишчи ўринбосарларини етиштириш юзасидан областимизда ҳам ибратли ишлар қилиняпти. Ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигининг турли соҳаларига ҳунар-техника билим юртларида касб ўрганган 40 минг 700 дан ортиқ ёш ишчи кадрлар етказиб берилди. Собиқ талабаларимизнинг аксарияти бугунги кунда «Ангреншахтострой», «Алмаликсвинецстрой», «Чирчиксельмаш» ва 160-қурилиш трестларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

1982—83 ўқув йилида жойлардаги 57 та билим юртини, жумладан, 20 та қишлоқ ҳунар-техника билим юртини 80 та мутахассислик бўйича 17 минг талаба муваффақиятли тугаллади. Шулардан 5330 киши қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаш учун йўлланма олди.

Партия XXVI съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган областимиз ҳунар-техника таълими ходимларининг зиммаларига ғоятда улкан вазифаларни бажариш масъулияти юклатилган. Беш йиллик охиригача мавжуд билим юртларини кенгайтириш, янгиларини ташкил этиш ҳисобига талабалар сафини 7700 қишига қўпайтиришимиз ва шу тариқа 75 мингдан ортиқ ёш мутахассислар тайёрлашимиз лозим.

Янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнида ҳунар масканлари моддий базаси янада мустаҳкамланди. Айниқса, қишлоқ ҳунар-техника билим юртларининг трактторларга ва машиналарга бўлган эҳтиёжини қондириш муаммоларини ижобий ҳал этяпмиз. Шу билан бир қаторда чорвачилик, паррандачилик фермалари учун кадрлар ,машинада соғиш операторлари тайёрлаш ҳажмини оширамиз. Машғулотларда олинган назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб бориш мақсадида деярли барча билим юртларида чорвачилик ва сабзавотчилик соҳалари бўйича ёрдамчи хўжаликлар ташкил қиламиз.

Областимиз ҳунар даргоҳларида 2 мингга яқин ишлаб чиқариш таълими усталари ва ўқитувчилари меҳнат қилишади. Аброр Аҳролов, Қўчқор Абдурасулов, Николай Безденежний, Валерий Коротун, Нина Полковникова, Любовь Михеева каби кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга устозлар ўзларига муносиб шогирдлар тарбияламоқдалар.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиш — ҳар бир йигитнинг шарафли бурчидир. Ёшларимиз Ватанимиз осмони мусаффолигини ишонч билан қўриқлаш учун коллектив равишда бошқариладиган қудратли қурол ва мураккаб ҳарбий техникаларни қисқа вақт ичида мукаммал ўзлаштириб олишлари лозим. Бунда турли миллат вакилларини ягона оилага бирлаштирувчи рус тилини астойдил ихлос билан ўрганиш нечоғлик муҳим аҳамият касб этиши барчамизга ойдек равшан. Областимиз ҳунар-техника билим юртларида бу жиҳатдан амалга ошириладиган ишлар ижобий самара бермоқда. Билим юртларимиз адресига ҳар йили ҳарбий қисмлардан З. Сулаймонова, Г. Шевченко, В. Добрянская, Г. Тейфукова, А. Гладкова, А. Крикова сингари рус тили ва адабиёти ўқитувчиларидан сабоқ олган ёшларимиз жанговар ва сиёсий тайёргарликда қуролдошларига намуна бўлаётганликлари ҳақида кўплаб мактублар келиб турипти. Биз янги ўқув йилида бу педагогларнинг иш тажрибасини барча ҳунар масканларида кенг тарғиб қилиш чораларини кўрамиз.

Область ҳунар-техника билим юртлари инженер-педагогик ходимларининг XI август конференциясида билим юртлари обрў-эътиборини янада ошириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, кадрлар билан тўла таъминлаш, таълим-тарбия жараёнини яхшилаш, ёшлар ўртасида физкультура ва спортни оммалаштириш юзасидан муҳим тадбирлар белгилаб олинди. Бундан буён уларни ишчи амалга ошира бошлаймиз.

**О. МУСАЕВ,**
**область ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи.**

● Областимизда саккиз йиллик мактабларни қисқартириш ҳисобига бир йил давомида ўрта мактаблар сони 51 тага кўпайди.

● Янги ўқув йилида 1-синфларга 46000 нафар ёшлар қабул қилинди. 14400 дан ортиқ кичкинтойлар эса тайёрлов группаларида таълим ола бошладилар.

● Областимиз шаҳар ва қишлоқларида 798 та мактаб, 41 та болалар музика мактаби, 56 та ишчи ёшлари, 14 та қишлоқ ёшлари кечки мактаблари ишлаб турибди.

● Бу йил мактабларда таълим олаётган ёшлардан 39502 ўқувчи ўрта маълумот олганлиги ҳақидаги аттестатга эга бўлади.

● Бугунги кунда областимиз шаҳарларида 20 та, қишлоқ жойларда эса 15 та ҳунар-техника билим юртлари фаолият кўрсатаяпти. Янги ўқув йили арафасида уларга қабул қилинган талабалардан 6150 нафари ўрта маълумотли ёшлардир.

● Ҳунар масканларида 15 та маданият, 16 та ҳуқуқ билимлари, 12 та саломатлик, 5 та атеизм, 5 та ёш жангчилар университетлари иш олиб боряпти.

● Ҳунар-техника билим юртлари талабалари ўртасида физкультура ва оммавий спорт ишлари тобора ривожланиб бормоқда. Ўтган ўқув йилида уч нафар халқаро тоифадаги спорт мастери, 3 та СССР спорт мастери тайёрланди, СССР Халқлари VIII ёзги спартакиадасида эса 4 та бронза медаль қўлга киритилди.



● Бугун Пискент шаҳридаги Ҳамза номли 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Маҳаммаджон Ҳасановнинг ҳам қувончи чексиз. Ўтган йиллар давомида унинг собиқ ўқувчилари орасида устоз йўлини давом эттирувчи кўплаб ёшлар етишиб чиқди. Айни пайтда Фотима Шарапова, Ҳусниддин Ғиёсов, Шоҳида Раҳматова сингари ёш рус тили ва адабиёти ўқитувчилари устозлари билан бир коллективда самарали меҳнат қилишмоқда.

Суратда: тажрибали педагог М. Ҳасанов.




Биринчи қўнғироқ завқи.



● Дастлабки қадам.

ЎзТАГ фотолари.

СЎЗ — ТАЖРИБАЛИ ПЕДАГОГЛАРГА

## ТИНЧЛИК ДАРСИ

Ҳозир жаҳон халқлари зиммасидаги энг муҳим вазифалардан бири — тинчликни сақлаб қолиш учун кураш масаласи бўлиб турибди. Мамлакатимизда янги ўқув йилининг илк сабоғи тинчлик мавзусига бағишлангани боиси ҳам шундан. Бугун минглаб илм даргоҳларида ўқитувчиларимиз тинчлик ҳақида фикр юритадилар.

Мен бугунги фаровон ҳаётимизга даҳшатли жанггоҳларда тўкилган қайноқ қонлар, озодлик йўлида шаҳид бўлган не-не ўғлонларнинг мангу жасоратлари туфайли эришганимизни жуда яхши биламан. Ўрта мактабни тугатар-тугатмас 18 ёшимда фронтга жўнаганим, уч марта оғир яраланганим, Воронеж, Курск, Харьков, Белгород, Александрия, Кировоград шаҳарларини, қатор Европа давлатлари ерларини қўлда қурол билан пиёда босиб ўтганим, ўз қишлоғимга кўксимда орден-медаллар билан кириб келганим худди кечагидай ҳамон ёдимда. Мен ажал уруғи ёғилиб турган жанг майдонларидаёқ марҳум қуролдошларимнинг ҳаққи-ҳурмати тирик қолишга, уларнинг фарзандларига билим бериб, тинчлик ишига ўз умримни бахшида этишга қасамёд қилгандим. Айтишим мумкинки, бу аҳдим устидан чиқдим.

Бу шукуҳли тонгда қалбимни ажиб ҳис-туйғулар ҳаяжонга солмоқда. Бугун 35-марта 1 сентябрни мактаб қучоғида, бахтиёр ёшлар даврасида қарши оляпман. Бу тонг мен илк дарсда тинчлик, уни асраб-авайлаш ҳақида, уруш хавфининг олдини олиш учун курашаётганларнинг байроқдори Совет Иттифоқи граждани эканлигимиз ҳақида гапириб бераман.

**Ҳамдам УМАРОВ,**
**Бекобод районидаги Низомий номли 38-мактаб директори, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.**

## 15 МИЛЛИОН КИТОБ

«Ўқитувчи» нашриётининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Н. ҲАТАМОВ мухбиримиз билан бўлган суҳбатда ўз коллективида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

— Янги ўқув йили арафасида тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифатига алоҳида аҳамият бердик. Олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчиларига мўлжалланган 15 миллион 200 мингга яқин нусхадаги дарсликларнинг асосий қисми биринчи навли оқ қоғозда, офсет усулида сифатли чоп этилди.

Нашриётимизда ҳар йили республикамиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларига, мактаб ва маориф раҳбарларига ёрдам берадиган, методик қўлланма вазифасини ўтайдиган адабиётлар кўплаб миқдорда тайёрланмоқда. Чунончи, шу йилнинг ўтган ойлари ичида 35 номда 220 мингдан ортиқ нусхада ана шундай зарур ўқув қўлланмаларн нашр этилди. Айни вақтда «Педагогикамиз классиклари» серияснда В. А. Сухомлинскийнинг «Болаларга жоним фидо», К. Маркс ва Ф. Энгельс асарларидан танлаб олинган «Халқ маорифи ва таълим-тарбия масалалари» китоблари нашрга топширилди. Биз яқин кунлар ичида бу серияда бир қатор таниқли ўқитувчиларнинг асарларини, халқ педагогикасининг нодир намуналаридан ҳисобланган «Қобуснома», «Ўрта Осиё ўтмиш педагоглари таълим-тарбия ҳақида» деб номланган китобларни чоп этишни ҳам режалаштирганмиз.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИДА

● Янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш жараёнида мазкур илм даргоҳи педагог-ўқитувчилари ва студентлар коллективи ўқув моддий техника базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бердилар. Барча аудиториялар, лаборатория хоналари ва фан кабинетлари сифатли ремонтдан чиқарилиб муддатидан олдин тахт қилиб қўйилди. Политехникумда айниқса, машғулотлар ўтказиладиган аудиторияларни зарур замонавий ўқув қуроллари, кўргазмали воситалар билан жиҳозлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Фотомухбиримиз олган ушбу суратда талабаларнинг 1 сентябрь арафасида кенг ва шинам аудиторияга йиғилган пайтлари акс эттирилган. Улар шу куни бўлажак машғулотлар тартиби билан танишдилар.

В. Портнов фотоси.



ОБЛАСТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР МАСКАНИ

Бугун мустақил равишда илк бор синф журналини кўтариб, дарс ўтишга ошиқаётган ёш ўқитувчилар орасида Ангрендаги область давлат педагогика институтини тугаллаган кўплаб ёш мутахассисларни учратиш мумкин. Улар олий ўқув юрти даргоҳида олган пухта билимларини ёшларга сабот билан ўргата бошлайдилар.

Институт пойтахт области, шунингдек, Жиззах ҳамда Сирдарё областлари умумтаълим мактабларига малакали кадрлар етказиб берадиган энг катта даргоҳлардан бирига айланиб қолди. Бу йил олий ўқув юртида 1700 нафар студент фан сирларини қунт билан эгаллайди. Мавжуд уч факультетда ўндан ортиқ ихтисослик бўйича кадрлар тайёрланади. Ёшларга 144 нафар юқори малакали ўқитувчи, шу жумладан, 33 фан кандидати ва уч фан доктори билим беради. Улар орасида Акром Эргашев, Муҳаммадқул Отақулов, Тўхтапўлат Турғунов, Мирвоҳид Комилов каби тажрибали ва билимдон ўқитувчилар бор.

Замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган фан кабинетлари, лабораториялар, ёпиқ телестудия, катта кутубхона бўлажак ўқитувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Ёз бўйи Олмалиқ темир йўлида, Янги Ангрен ГРЭСида, «Узпаркентводстрой» трестида, Паркент районидаги «Прогресс» совхозида баракали меҳнат қилган студент-қурилиш отряди аъзолари, мавжуд спорт соғломлаштириш лагерида дам олган ёшлар янги куч-ғайрат билан аудиторияларга ошиқишмоқда. Улар учун институтда барча шарт-шароитлар яратиб берилган. 500 ўринли икки ётоқхона яна студентларни ўз бағрига олади. Янги ўқув йилининг ўзида ётоқхонада истиқомат қилаётганлар сони яна 700 кишига кўпаяди. Бунинг учун айни вақтда катта қўламдаги қурилиш ишлари олиб борилаётир.

Бугун эрта тонгданоқ институт аудиториялари томон ошиқаётган кечаги абитуриент — бугунги студентни ажратиб олиш қийин эмас. Уларнинг қувончлари чексиз. Бу йил кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган 375 ўқувчи студент деган шарафли номга сазовор бўлди.

**Г. МАМБЕТОВА.**

НАМУНАЛИ МАКТАБЛАР ҲАЁТИДАН

## ПАРВОЗИ БАЛАНД ЁШЛАР

...Бухоро область Вобкент районидаги «Ёш механизаторлар» пионер лагерида ўқувчиларнинг республика «Умид стартлари» мусобақаси ўтказиляпти. Бу ерга республикамизнинг турли бурчакларидан келган 400 дан ортиқ энг кучли ёш спортчилар — область мусобақаси ғолиблари тўпланган. Мактаб командалари гимнастика, югуриш, узунликка сакраш, сузиш, копток ирғитиш сингари ГТО нормативига киритилган турлар бўйича куч синашяпти.

Навбатдаги команда мусобақа шартларини бажариб бўлди. Ҳамманинг нигоҳи жюри аъзоларида. Ниҳоят жюри раиси натижаларни эълон қилди:

— Тошкент область Калинин районидан «Арена» командаси энг юқори очко тўплаб, мусобақанинг ғолиби деб топилди. Уларга Сочидаги «Орлёнок» пионерлар лагерида ўтказиладиган Бутуниттифоқ мактаб ўқувчиларининг «Умид стартлари» мусобақасида қатнашиш ҳуқуқи берилади. Команда аъзолари «Артек» лагерига бепул йўлланма билан тақдирланадилар...

Томошабинлар ғолибларни узоқ олқишладилар. 20 нафар ўғил-қизнинг қувончи чексиз, юзида табассум, бир-бирига меҳр билан боқишарди. Бу ёшлар ихтисослашган болалар спорт даргоҳида эмас, балки А. Икромов номли 45-ўрта мактабда таҳсил кўрадилар. Мактабда ўқувчиларнинг физкультура ва спорт билан шуғулланишларига катта эътибор берилаяпти. Бу ерда барча қулайликларга эга бўлган спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис секциялари йил бўйи ишлаб туради. Физкультура ўқитувчилари Ж. Шоҳидов ва Р. Қўзибоевлар болалар танлаган спорт турлари бўйича машғулот ўтказадилар. Спорт секцияларига 120 дан ортиқ талаба жалб этилган.

Мактабда ўқув-тарбия ишларига ҳам жиддий эътибор берилаяпти. Фан кабинетлари ва устахоналар эстетик дид билан жиҳозланган. Ўтган йили иккита рус тили ва битта чет тили кабинетлари лингофонлаштирилди, бошқа хоналар эса радиолаштирилди. Эндиликда мактаб педагоглари барча синф хоналарини телевизионлаштириш ниятидалар.

Район ўқитувчиларининг август кенгаши шу мактабда ўтказилди. Бу ерда фаол меҳнат қилаётган халқ маорифи аълочиси Н. Хайрулина, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси А. Ниғматов ва М. Исмоилова сингари ўз касбининг моҳир усталари тажрибасини барчага намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Кенгаш қатнашчилари кабинетларнинг жиҳозланиши, илғор ўқитувчиларнинг дарс ўтиш усуллари билан танишдилар.

Мактабни кўпинча «болаларнинг иккинчи уйи», дейдилар. Чунки ўқувчилар асосий вақтларини қадрдон мактабларида ўтказадилар. Бошланғич синфдагилар куни узайтирилган группаларда таҳсил кўрсалар, юқори синф ўқувчилари турли тўгараклларда ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланадилар. Бу йил ҳам иккита олти ёшлилар ва тўртта куни узайтирилган группаларга жами 260 нафар кичкинтой жалб этилди.

Педагоглар ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга ҳам катта эътибор беряптилар. Битирувчи синф ўқувчилари етуклик аттестати билан бирга қишлоқ хўжалик техникаси ва автомашиналарни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар ҳам оладилар.

Мактабда қуёнчилик ва қўйчилик фермалари бор. Билим даргоҳини ўз оталиғига олган район сув хўжалиги бошқармаси ўқувчиларга 65 та қуён ва олтита қўзи олиб берди. Ўқувчилар уларни меҳр билан парваришлаб, йил охирига қадар қуёнлар сонини 150 тага, қўйлар сонини эса 8 тага етказиш учун ҳаракат қилишяпти.

Мактаб шуҳрати ҳозир бутун республикага ёйилган. Бунда тажрибали ташкилотчи, моҳир педагог, халқ маорифи аълочиси Тоҳир ака Тоировнинг ҳиссаси салмоқлидир. У кўп йиллардан бери шу коллективга раҳбарлик қилиб келмоқда.

...Мактаб биноси бугун ўзгача кўринишда. Албон байроқлар, шиорлар ва турли плакатлар билан байрамона безатилган жонажон мактабларига болалар қўлларида гулдасталар тутган ҳолда ички бир ҳаяжон билан ошиқмоқдалар. Бугун янги ўқув йилининг биринчи қўнғироғи жаранглайди.

**Н. СУЛАЙМОНОВА.**

*ҒАЛАБА РАПОРТИ ИЗИДАН*

# БУЛАРДАН ЎРГАНСА АРЗИЙДИ

**ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ К. МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ ДЕҲҚОНЛАРИ ЕРНИ МАҲАЛЛИЙ ҮҒИТГА ТҮЙДИРИБ, БИР КАРТАДАН ИККИ МАРТА МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ОЛМОҚДАЛАР**

БУГУНГИ кунда Юнусобод массиви деганда бири-биридан шинам, кўп қаватли бинолар қад ростлаган улкан турар-жой массиви кўз олдимизга келади. Яқин вақтлар-гача эса шу массив ўрнидаги бепоён экинзорларда К. Маркс номли колхоз деҳқонлари ва соҳибкорлари сархил сабзавот маҳсулотлари ҳамда ширин-шакар мева, узумлар етиштириб, шаҳарликлар дастурхонини тўкинсочин қилишарди.

— Пойтахтимиз кенгайиб, ободонлашиб бораётганлиги муносабати билан экин майдонларимиз қисқариб бораяпти,— дейди колхоз бош агрономи Турсунбой Толипов. — Аммо бу маҳсулот етиштириш ҳам камаймоқда, деган гап эмас. Аксинча, бир ердан икки марта ва ундан ҳам кўп ҳосил олиш ҳисобига ялпи маҳсулот етиштириш ортиб боряпти.

Ҳақиқатан ҳам колхоз сабзавоткорлари ва боғбонлари йиллик планни муддатидан анча илгари бажариб, эндиликда юксак социалистик мажбурият ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар. Айниқса, картошкачилик соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар салмоқлидир. Масалан, бу йил хўжаликда 130 гектар ерга эртаки ва кечки картошка экилиб, жами 1700 тонна ҳосил етиштирилиши лозим эди. Амалда эса 100 гектар ерга экилган эртаки картошканинг ўзидан 2472 тонна ҳосил етиштирилиб, социалистик мажбурият ҳамонча ортиғи билан адо этилди. Қолган 30 гектар ўрнига яна 55 гектар ерга кечки картошка экиб қўйилди. Ҳозир унинг ривожи яхши.

Колхозда бу йил жами 55 гектар майдонга карам экиш планлаштирилган эди. Хўжалик деҳқонлари эса кечки картошка учун ажратилган, шунингдек эртa экилган редискадан бўшаган ерлар бекор турмаслиги учун сифатли ишлов беришиб, 100 гектар майдонга пленка остига эртаки карам экишди. Жами 4985 тонна ҳосил йиғиштириб олиниб, унинг дастлабки тонналари ҳар килограмми 48 тийиндан, охири эса 25 тийиндан давлатга сотилди.

Далаларга эртаки бодринг экишда ҳам тадбиркорлик билан иш тутилди. Ўн гектар ерга пленка остига ва теплицадаги олти гектар ерга экилган эртаки бодрингдан пландаги 900 тонна ўрнига 1007 тонна маҳсулот олинди. Айни кунларда теплицага экиб қўйилган олти гектар майдондаги бодринг баравж ривожланмоқда. Кеч кузга бориб, унинг ҳосили ҳам йиғиштириб олиниб, давлатга яна 300 тонна сархил маҳсулот топшириш мўлжалланмоқда.

Хўжалик боғбонлари эрта кўкламдан бошлаб 70 гектарлик ҳосилли боғга сифатли ишлов бердилар. Натижада шу кунгача йиллик пландаги 400 тонна ўрнига 500 тоннадан зиёд мева териб олиниб, шаҳарликларга етказиб берилди. Ҳозирги кунда ҳам шаҳар савдо тармоқларига кунига 9—10 тонна мева жўнатиб турилибди. Боғларда эса ҳали ҳосил мўл. Боғбонлар икки йиллик план миқдорида мева топшириш учун курашмоқдалар.

Ёз иссиқ келиб, ҳарорат ҳаддан ташқари юқори бўлганлиги учун кўпгина хўжаликларда помидор экини барвақт ҳосилдан қолди. Аммо бу колхоз деҳқонлари тадбиркорлик билан иш олиб бориб, ҳамон помидордан мўл ҳосил йиғиштириб олмоқдалар. Шу кунгача давлатга 2500 тоннага яқин помидор сотилди. Бу йиллик планга нисбатан қарийб 90 процентни ташкил этади. Далада эса ҳосил мўл. Кунига 40—45 тоннадан маҳсулот териб олинаётир.

Эртаки экинларни пленка остига экиб, ҳосилни барвақт етиштириш, шунингдек бир ердан икки марта мўл ҳосил олиш ҳисобига колхоз экономикаси ҳам мустаҳкамланиб, деҳқонларнинг даромади мўмай бўлиб бораётир. Масалан, бу йил жами 3 миллион 576 минг сўм даромад олиш планлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирнинг ўзидаёқ 4 миллион 210 минг сўмга етди. Йил охиригача эса 5 миллион 800 минг сўмга етиши кўзда тутилмоқда. Умуман йил якунида 1 миллион сўмга яқин соф даромад олиниши ҳозирданоқ маълум бўлиб турипти.

Бир сўз билан айтганда бу илғор хўжалик деҳқонларидан кўп нарса ўрганса арзийди. Аввало шуни айтиш керакки, бу ерда ерларни маҳаллий ўғитга иложи борича тўйдириш қатъий одат тусини олган. Йилига 5 минг тонна ўрнига 25 минг тонна сифатли гўнг солинади. Унинг асосий қисми ерларни шудгорлашдан олдин махсус механизмлар ёрдамида сепилади. Шу йўл билан бу йил эртаки карам ва картошка экилган майдонларнинг ҳар гектарига 50—60 тоннадан гўнг солинди.

Деҳқонлар полиэтилен плёнкасидан фойдаланишнинг ҳаддини олишган. Айниқса, эрта баҳорда сув танқислиги сезиладиган ва ёғингарчилик кам бўладиган пайтларда бу пленка катта наф келтиради. Чунки, барвақт яъни тупроқда нам сероб пайтида экинга пленка ёпилгани учун бу намлик узоқ вақт сақланади ва экин очиқ майдонлардаги бошқа сабзавот турларига нисбатан қарийб тенг баравар кам суғорилади.

Колхозда ҳар бир меҳнаткашнинг ойлик маошини ўз вақтида, ҳатто дала шийпонларига олиб бориб бериш йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам колхозчилар ўртасида меҳнатга муносабат ва интизом мустаҳкамланиб бораётир. Хўжаликда бригада пудрати қатъий қарор топди. Бу усулга биринчи бўлиб ўтган Жўра Раҳбаров бошлиқ коллектив айниқса юксак кўрсаткичларга эришмоқда. Жумладан, бир ердан икки, ҳатто уч марта ҳосил олиш соҳасида бу бригаданинг тажрибаси кўп коллективларга ўрнак бўлса арзийди. Улар эртаки экин ҳисобигаёқ йиллик планни бажариб қўйишган эди. Ҳозир эса планда белгиланган беш гектар ўрнига 15 гектар ерда сабзи етиштирилмоқда. 10 гектар майдонга эса планга қўшимча равишда кечки картошка экиб, сифатли парвариш қилинмоқда. Умуман, бу йил бу илғор бригада аъзолари икки-икки ярим йиллик план миқдорида маҳсулот етиштириш учун дала ишларини қизғин давом эттиришяпти.

Хўжаликда етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай, пешма-пеш йиғиштириб олиб, қабул пунктлари ва шаҳар савдо тармоқларига етказиб бериш учун техника воситаларидан ҳам самарали фойдаланилади. Сабзавот пайкалларида, боғларда етиштирилаётган маҳсулот териб олиниши билан транспортга юкланиб, тезда жўнатилади, натижада у истеъмолчиларга сархил ҳолда етиб боради. Шу туфайли етиштирилаётган маҳсулот турларининг таннархи ҳам арзонга тушаётир. Масалан, бу йил юлхозда рентабеллик 25 процентни ташкил этаётир.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



● Суратларда: (чапда) Ў. Элубоев бошлиқ бригаданинг илғор ишчиси А. Аҳмедов кунлик теримда пешқадамлик қилаяпти. (ўнгда) янги терилган маҳсулотни жўнатишга тайёрлаш пайти.

В. Портнов фотоси.

# ВЕТЕРАНЛАР ТАЖРИБАСИ— ҲАЁТ МАКТАБИ

## ЮКСАК ВАЗИФАМИЗ

Юрий Владимирович Андроповнинг КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида кўпгина муҳим масалалар кўтарилди. Ёшлар билан ишлаш ҳақидаги масала мени айниқса тўлқинлантирди. «Ҳозирги йигит ва қизларнинг жуда кўпчилиги — коммунистик қурилишнинг актив қатнашчиларидир, оталар бошлаган ишнинг муносиб ворислари ва давомчиларидир»,—деди Юрий Владимирович. Дарҳақиқат шундай! Мен Тошкент тўқимачилик комбинатидаги кундалик ишимда совет ёшларининг ана шундай намояндалари билан учрашаман. Бир неча юзлаб йигирувчиларни тарбиялаб етиштирдим. Улар Тошкент, Бухоро, Фарғона, Андижон тўқимачилик комбинатларида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Лекин шу нарсани рўйрост айтиш керакки, ҳунар-техника билим юртини тамомлаб тўқимачи бўлишга қарор қилган ҳар бир қиз кадр ишчи бўла олмайди. Бунинг сабаблари кўп. Ёш ишчиларни тайёрлаш даражасини ҳам, уларни ишга жойлаштириш — шундай сабаблардан биридир. Шу боисдан ҳам мен ивановолик илғор тўқимачи хотин-қизлардан ўрнак олиб иш жойимни ўзгартиришга — комбинатимизнинг ҳунар-техника билим юртида ишлаб чиқариш таълими мастери бўлишга қарор қилдим.

Менинг фикримча, ёшларни таълимнинг дастлабки кунлариданоқ энг яхши тўқимачиларимиз эгаллаб олган меҳнатнинг энг илғор методлари билан таништириш лозим. Бу эса ёш ишчига ўзини дадилроқ ҳис этишга, зарур суръатни тезроқ эгаллашга ёрдам беради.

Ана шу вазифани ҳал этиш — ҳар бир ветеранниг бурчи, унинг юксак вазифасидир.

**Буолма ЖЎРАЕВА,**
**Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси.**

# УЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

ЁШИМ етмишдан ошди. Мана, қарийб эллик йилга яқин пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келмоқдаман. Шу йиллар мобайнида бригадамиз аъзолари етиштирган пахта бир ерга жамланса «оқ олтин» тоғи вужудга келади, десам хато қилмайман. Пахта меҳри қалбимга пайванд бўлиб кетган. Пахта етиштириш ҳаётимнинг мазмунига айланган.

КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган партия ветеранлари билан учрашув ҳақидаги материалларни зўр мароқ билан ўқиб чиқдим. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг сермазмун нутқида қимматли фикрлар билдирилган. Жумладан, ёшларни тарбиялаш, меҳнатга онгли муносабатда бўлишда ветеранлар қўшаётган ҳиссага ва уларнинг олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўртоқ Ю. В. Андропов «Аммо, ветеранларнинг тажрибаси ва билими айниқса, зарур бўлган бир иш участкаси бор. Назаримда нима демоқчи эканимни пайқаб олдингизлар, гап ёшлар билан ишлаш ҳақида боряпти», деди. Жуда тўғри гап. Биз ўз касбимизга ёшларни кўпроқ жалб этишимиз, уларни ҳар соҳада пешқадам кишилар бўлиб етишишларига муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Оддий пахтакор сифатида ўз ҳаётимга назар солсам, энтикиб кетаман. Мен ҳам машаққатли, айни вақтда завқли бу касбни устозларимдан ўрганган эдим. Ана шу «оқ олтин» менинг кўксимга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони «Олтин юлдуз»ини тақди. «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» деган юксак унвон келтирди. Бир неча йилдирки, район партия комитетининг аъзоси сифатида ёш коммунистлар билан ишлаб келяпман. Ҳозирги кунда менинг қўлимда тарбия олган, пахтачилик сирларини ўрганган кўплаб кишилар орасида моҳир бригада бошлиқлари, агрономлар, районнинг масъул кишилари ҳам бор. Улар билан фахрланаман.

**Т. ҒАЗАТОВ,**
**Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

# ПОТОК ЛИНИЯ ИШГА ТУШДИ

**Тошкент трактор заводида поток линияси ишлай бошлади. Бу поток линия трансмиссияларнинг корпуслари ишлаш учун мўлжалланган-дир. Бир кечаю кундузда бу ерда юзта чўян қуйма ишланади. Бунинг натижасида малакали фрезерчилар ва пармаловчилар озод этилади, қолган кишилар учун иш шароитлари анча яхшиланади. Ана шу ускунадан қуввати 100 от кучига тўғри келадиган янги тракторнинг узатиш узеллари-нини тайёрлаш вақтида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳозир тракторсозлар ана шундай тракторни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқдалар.**

**(ЎзТАГ).**

# Халқаро ҳаёт

БУГУН —ЖАҲОН ТИНЧЛИК КУНИ

## ЯДРО АЖАЛИГА АСЛО ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК!

1939 йил 1 сентябрь — инсоният тарихидаги энг қора кунларнинг биридир. Бу сана халқларнинг хотирасида бомба, снарядларнинг портлаши, ярадорларнинг дод-фарёди, тул ва етимларнинг кўз ёши бўлиб сақланиб қолган. 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғи қуриди — Герман фашизми ва унинг иттифоқчилари бошлаб берган Иккинчи жаҳон уруши учун планета ана шундай хун тўлади. Халқлар бугун ана шу фалокатни эсга олиб ва унинг такрорланишига йўл қўймаслик учун қатъий қарор берганлигини намойиш қилиб, Жаҳон тинчлик кунини нишонламоқдалар. Тез ўтиб бораётган йиллар Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатларини эсдан чиқартирмайди.

Шу боисдан ҳам ҳар қандай ниқобдаги милитарист ва реакционерлар ана шу хотирани эсдан чиқартириш, унинг авлоддан-авлодга ўтишига йўл қўймаслик учун ҳамма жойда зўр бериб уринмоқдалар. Масалан, ГФРда «немисларга қарши қилинган жиноятлар» тўғрисидаги геббельсчилар тўқиган қалбаки «ҳужжат»ни маъмурларнинг рухсати билан эълон қилиш кампанияси бошланганлигига қандай баҳо бериш керак?

Японияннг ҳукмрон доиралари ҳам шу тахлитда иш тутмоқдалар. Япония ҳукуматининг ҳамма аъзолари 15 августда ашаддий реваншчиларнинг «Ясукуни» ибодатхонасига боришди. Бош министр Я. Накасонэ бошчилигидаги жаноб министрлар бу ерда ибодат қилишиб, Осиё ва Океанияни забт этолмаган фотиҳларни, инсониятга қарши қилган энг оғир ёвузликлари учун халқаро трибунал ҳукми билан осилган ҳарбий жиноятчиларни иззат-ҳурмат билан эсга олдилар. Ҳукумат аъзоларининг жаллодлар руҳини азиз кўриб ибодат қилиши япон агрессиясининг миллионларча қурбонларини ўта кетган даражада ҳақорат қилишдан бошқа бир нарса эмас.

Уруш қийинчиликларини кўрмаган ва ўз ҳукмдорларининг хоҳиши билан ўйлаб-нетиб турмай одамларни ўлдириш ва ўлишга қодир бўлган авлодни тарбиялаш йўлидаги уринишлар кучайиб боряпти. Шу билан бирга империализм энг агрессив доираларининг ёвузлик билан нишонга олаётган нарсаси хотира билан бир қаторда ҳақиқат бўлиб қолди. Ғарбнинг ҳукмрон доиралари кучли пропаганда машинасидан фойдаланиб, ҳақиқатни алдамчилик денгизига ғарқ қилишга интиладилар. Одамларни алдаш ҳамиша уруш олови ёқувчиларнинг содиқ йўлдоши бўлиб келган. «Большевизм хавфи» борлиги тўғрисидаги ёлғон гапларни эсга олайлик. Бундай қалбакичилик гитлерчиларнинг жаҳонга ҳоким бўлиш планларини яшириш учун ҳаё пардаси бўлиб хизмат қилган эди. «Совет хавфи» борлиги тўғрисидаги афсонанинг бундай қалбакичиликдан қандай фарқи бор?

АҚШ ва унинг иттифоқчилари қуролланиш пойгасининг янги давраларини оқлаш учун бу афсонадан далил сифатида фойдаланмоқдалар. Ғарбнинг ҳар бир соҳада гўё орқада қолаётганлиги ҳақида пропаганда мақсадида шовшув кўтариш уларга Америкада тайёрланган ва ўртача олисликка учириладиган янги ракеталарни Европада жойлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Яқин йилларда Пентагоннинг юзларча қитъалараро баллистик «МХ» ракеталари, минглаб қитъалараро «Минитмен» баллистик ракеталари билан, сув остида жойлаштириладиган 500 та «Трайдент-2» ракетаси, ҳарбий кемалар, самолётлар учун 5 мингта қанотли ракета ва ердан учириладиган қурилмалар, неча юзлаб стратегик «В-1» бомбардимончи самолётлари, 17 мингта янги ядровий қалпоқчалари билан таъминлаш планлари тўғрисида гап борганида ҳам шундай усуллар қўлланилади.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари тинчликсеварликларини тасдиқлаш учун ядро қуролларини кўпайтирмасликни ёқлаб чиқаётган америкаликлар кўпчилигининг хоҳиш-иродасига эътибор берсалар, СССРдан ўрнак олиб, ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олсалар, ядро қуролларини қисқартириш тўғрисида ҳалол музокаралар олиб бориб, Совет Иттифоқининг бир томонлама қуролсизланишини ҳеч кандай асос бўлмаганидек талаб қилаверишдан воз кечсалар чакки иш бўлмас эди. Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар шу йилнинг бошларида ядро қуролини ўзаро ишлатмаслик ва тинч муносабатларни сақлаш тўғрисида шартнома тузишни таклиф этган эди. НАТО аъзоларининг шу таклифни қабул қилишининг бир ўзигина иккита энг йирик ҳарбий иттифоқнинг бир-бирига ҳужум қилишдан воз кечганлигидан далолат берган бўлур эди, бинобарин, уруш хавфини кўп даража камайтирган бўлур эди. Аммо бу таклифга оқилона жавоб берилмади.

Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги давлатлар Вашингтондаги ядро васвасларининг телбаликларига изчил тинчлик сиёсатини қарама қарши қўймоқдалар. Улар ядро қуролларини қозирги даражадан кўпайтирмасликкагина эмас, балки бу қуролларни бошқа мамлакатлар билан биргаликда Европа қитъасида, шунингдек бутун жаҳонда тамомила тугатиш йўлидан қадамба-қадам боришга ҳам шай бўлиб турибдилар. Бизнинг мамлакатимиз Европанинг шимолида, Болқонда, Ўрта денгиз ҳавзасида, Яқин Шарқда, Африкада ядросиз зоналарни вужудга келтириш ҳақидаги таклифларни қўллаб-қувватламоқда, ер куррасининг жуда хатарли районларида кескинликни юмшатишга ҳаракат қилмоқда, жаҳон океани акваториясида ҳарбий денгиз кучларининг фаолиятини чеклаш учун, ҳарбий ҳаракатларни ўзаро қисқартириш учун курашмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов Америка сенаторлари билан учрашув вақтида СССРнинг космик фазода ва космосдан ерга нисбатан куч ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги янги таклифларини баён қилиб берди. Бу таклифлар ҳамма жойда қизғин маъқулланди. «Совет-лар томонидан хавф борлиги» ҳақидаги туҳмат ва уйдирмаларга қарамай, мамлакатимизнинг ана шу ва бошқа кўп ҳалол, конкрет таклифлари кишиларнинг қалбига етиб бормоқда. Халқлар ва соғлом фикр юритувчи ҳар бир киши СССР ҳамда социализм мамлакатлари қай тарзда иш олиб бораётганлигини ва АҚШ жаҳонни қандай гирдобга ташлаш учун интилаётганлигини очиқ равшан кўриб турибди.

Иккинчи жаҳон урушидан буён инсоният жарлик ёқасига ҳеч қачон ҳозиргидек яқинлашиб қолмаган эди. Империализмнинг агрессив доиралари туғдираётган хавф реал хавфдир. Буни назар писанд қилмаслик мумкин эмас. Аммо барча қитъаларда тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг кучи ҳам реал куч бўлиб, куч сайин ўсиб бормоқда. Деярли ҳамма мамлакатларда ўтказилаётган кўпданкўп юришлар, велосипед пойгалари, тинчлик лагерлари, митинг ва намойишлар буни тасдиқлайди. Ишчилар синфи курашчиларнинг олдинги сафларида бормоқда. Касаба союзларининг тинчлик йўлидаги ҳаракати кунида ишчилар синфининг чиқишлари кенгайиб кетганлиги буни исбот қилади. Касаба союзлари Х Жаҳон конгрессининг қарорига мувофиқ ана шу кун 1 сентябрда нишонламоқда. Инсоният янги уруш оловини ёқувчиларга кескин зарба беради.

**В. САПРОНОВ.**
**(ТАСС).**

# ҲАРБИЙ РЕЖИМГА ҚАРШИ ХАЛҚ ҲАРАКАТИ

● ЛОНДОН, 30 август. (ТАСС). Покистон президенти генерал Зиёул Ҳақ демократия ўрнатиш ҳаракатининг раҳбарлари билан учрашишдан бош тортди. Бу ҳаракат раҳбарлари ҳарбий режимга қарши кенг норозилик намойишларига бошчилик қилмоқдалар. Ҳарбий маъмурият мамлакатда ҳокимиятни граждан ҳукуматига топшириш учун курашаётган энг йирик оппозициячи партияларнинг ана шу коалициясига нифоқ солишга уринib, оппозиция раҳбарларининг ҳар бири билан алоҳида — алоҳида музокаралар олиб боришни талаб қилмоқда. Рейтер агентлигининг хабарларидан маълум бўлишича, оппозициячи кучларнинг мамлакатда рўй берган тангликни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишга тайёрлигидан Зиёул Ҳақ режими ўз кучларини қайтадан гуруҳлаш ва ўзининг сиёсий муҳолифларига қарши янги репрессияларни уюштириш мақсадида фойдаланмоқда. Демократия ўрнатиш ҳаракати тарафдорларидан қамоққа олинганларнинг сони Синд вилоятининг бир ўзидагина 10 минг кишидан ҳам ошиб кетди.

● ДЕҲЛИ. 30 август. (ТАСС). Ўтган кунларда Карочи, Хайрпурнатхоншох, Суккурда ва Синд вилоятининг бошқа шаҳарларида яна оммавий намойишлар бўлди. Тандожам шаҳри районида минг-минглаб кишилар Карочини вилоятнинг ички районлари билан боғловчи катта йўлни тўсиб қўйдилар. Полиция уларни тарқатиб юбориш учун таёқ ва кўзни ёшлатадиган газдан фойдаланди. Демократия ўрнатиш ҳаракати ташкилоти Синд аҳолисини учинчи сентябрга белгиланган умумий забастовкада қатнашишга чақирди.

● КОБУЛ, 30 август. (ТАСС). Бахтар агентлигининг шарҳларида бундай дейилади: Покистондаги халқ намойишлари умуммиллий тус олди. Бу намойишлар очиқдан-очиқ империализмга қарши қаратилган. Мамлакатнинг ҳамма қисмида намойишчилар Америкага қарши шиорларни кўтариб чиқаётгани буни тасдиқлайди. «АҚШ империализмининг ёрдамига таянаётган антидемократик режимга қарши, Покистонни янги мустамлакачилик асоратидан халос қилиш йўлидаги ҳаракат куч тўпламоқда», — деб таъкидлаб ўтилади шарҳларда.



Исроил босқинчилари Жанубий Ливанни аннексия қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Тель-Авивнинг бу мамлакат жанубида ҳарбий объектлар қураётганлиги ҳамда мазкур жойда Исроилга итоаткор граждан маъмуриятини тузишга интилаётганлиги шундан далолат бермоқда.

Суратда: исроиллик солдатлар Ливаннинг жанубида босиб олинган ерларда тиканли сим ўрнатмоқдалар.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

# ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**● ВАРШАВА**

Польша геологлари фойдали қазилмаларнинг янги конлари қидирилаётган Торунь ва Плоцк районларида ғоят чуқур қудуқлар пармалаш ишларини ниҳоясига етказдилар. 5,5 минг метрдан ортиқ чуқурликда қудуқ пармаланди. Зеленогурск воеводалигида қорамтир кўмир кони топилди. Бу кон запаси 200 миллион тонна деб ҳисобланмоқда. Карпат тоғларида ҳам қидирув ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Бу йил ПХР геодезия ва картография марказий бошқармасининг қидирув группалари 300 минг метрдан ортиқ умумий чуқурликдаги қудуқ пармалашни мўлжалламоқдалар. Бу кейинги йилларда бажарилган ишлар ҳажмидан икки баравар кўп.

**● МАДРИД.**

Испаниянинг шимолий районларида сўнгги ўттиз йил мобайнида юз берган энг кучли сув тошқини оқибатида 29 киши қурбон бўлди, дейилади маъмурлар берган маълумотда. Табиий офат ўтган ҳафта охирида ёққан қаттиқ ёмғир сабабли юз берди.

Қутқарувчилар командалари ҳалок бўлганларни излашни давом эттирмоқдалар, йўллар қайта тиклана бошлади. Тозаланган асосий автомобиль йўллари орқали тошқиндан зарар кўрган районларга дори-дармон, озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак етказиб берилмоқда. Телефон ва телеграф алоқаси ҳозир ҳам ишламаяпти, электр энергияси бериш узилиб қолган. Табиий офатдан зарар кўрган областларнинг аҳолисига ичимлик сув етишмаяпти.

**● ТУНИС**

Мамлакат пойтахтида Фаластин касаба союзлари федерацияси олий кенгашининг фавқулодда сессияси бўлиб ўтди. Сессия қатнашчилари фаластинлик араб халқининг ўз қонуний ҳуқуқлари қондирилиши учун олиб бораётган кураши масалаларини ва бу курашда федерациянинг ролини муҳокама қилдилар.

Сессия тугаганидан кейин қабул қилинган сиёсий баёнотда Фаластин меҳнаткашларининг вакиллари Яқин Шарқ проблемасини бартараф этишга оид Кэмп-Дэвид битимининг давоми бўлган ҳар қандай таслимчилик режаларини, жумладан «Рейган плани»ни Ливанга тиқиштирилган Исроил билан битим ва фалистинликларга «маъмурий автономия» бериш лойиҳасини қатъиян рад этдилар. Сессия қатнашчилари дўст мамлакатлар, энг аввало Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари касаба союзлари билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар

(ТАСС, 30 август).

**ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН УРУШ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР**

НЬЮ-ЙОРК, 30 август. (ТАСС). Қўшма Штатлар революцион Никарагуага қарши эълон қилинмаган уруш кўламини кенгайтирмоқдалар.

«Уоллстрит жорнэл» газетасининг ҳабардор шахсларнинг АҚШ конгрессидаги маълумотларига таяниб, хабар қилишича, шу молия йилида Вашингтон Никарагуага қарши яширин кўпоруврчилик фаолияти учун 30 миллион доллардан 50 миллион долларгача сарфлайди. Конгресс экспертларининг ҳисоб китоб қилишларича, келгуси 1984 молия йилида бу маблағлар 60—80 миллион долларгача ошади.

**СОВЕТ БУЮРТМАЧИЛАРИ УЧУН**

БЕРЛИН, 30 август. (ТАСС). Геллинген шаҳридаги (Галле округи) машинасозлик заводи коллективи совет буюртмачилари учун мўлжалланган электровозларни ишлаб чиқаришга киришди. Бу локомотивлардан шахталар ва конларда ишлашда кенг фойдаланилади.

Совет буюртмаси асосида карьер типидаги электровозларнинг катта туркумини тайёрлаб чиқариш, дейди корхона директори Харальд Мартинг, электровоз локомотивлари учун турли узеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, бутун ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга имкон беради.

**КАМПУЧИЯГА ҚАРШИ ИҒВОГАРЛИК**

ПНОМПЕНЬ, 30 август. (ТАСС). Таиланд Кампучияга қарши қуролли иғвогарликларни давом эттирмоқда. Кампучия СПК ахборот агентлигининг хабар қилишича, Таиланд ҳарбий самолётлари 19 августдан 26 августгача бўлган давр ичида КХР ҳаво чегараларига беш марта бостириб кирди, Таиланд кемалари республиканинг денгиз чегараларини 96 марта бузганлиги қайд қилинди.

Преахвихие, Баттамбанг, Поусат ва Кохконг вилоятларининг чегара районлари Таиланд территориясидан туриб бир неча ўн марта тўпга тутилди. Полпотчиларнинг қуролланган шайкалари тўп ўқи панасида КХР территориясига бостириб киришга бир неча марта уринди-лар. Кампучия чегарачилари ана шу уринишларни қатъиян даф этдилар.

КАРДИОЛОГЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА I СЪЕЗДИГА

# ЮРАК УРИБ ТУРМОҒИ КЕРАК

Партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган катта ғамхўрлик туфайли кейинги йилларда меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлиги яна ҳам ортмоқда, турли хил касалликлар чекинмоқда. Кишиларнинг ўз саломатликларини мустаҳкамлаш, организмларини чиниқтириш учун бизда барча шароитлар муҳайё. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган поликлиника ва шифохоналар беморларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Буни институтимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Институтимизда ўрта ёшдаги эркакларни оммавий тарзда кардиологик текширувдан ўтказиш муваффақиятли тугалланди. Эндиликда юрак-томир ва қон босими касалликларининг олдини олиш юзасидан профилактика ишларининг узоқ муддатга мўлжалланган программаси амалга оширилмоқда.

Эркаклар ўртасида оммавий тарзда ўтказилган кардиологик текширув давомида биз кўпгина янги-янги фактларнинг гувоҳи бўлдик. Жаҳондаги барча йирик шаҳарлар қаторида Тошкентда ҳам юрак-томир, қон босими касалликлари кенг тарқалаётганлигини сездик. Қон босими касаллигига дучор бўлган кишиларнинг кўпчилиги бу дард ҳақида вақтида билмаганликлари бизни афсуслантирди. Профилактик кўрик пайтида қон босими касаллигига учраган кишиларнинг тўртдан бир қисми зарур шифони олди.

Шу ўринда юрак касаллиги ҳақида ҳам кўпчилик дурустроқ маълумотга эга эмаслигини эслатиб ўтмоқчимиз. Стенокардия касаллигига учраган беморларнинг қарийб ярми, юрак инфаркти касаллигини бошидан ўтказган беморларнинг тўртдан бир қисми бу дард ҳақида олдин ҳеч нарса билмаганлар. Шу боисдан қўйилаётган диагностика ишларини поликлиника шароитида янада яхшилаш лозимлиги талаб этилмоқда.

Стенокардия белгиларини ўз вақтида аниқлашда беморнинг ўзи ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин. Лекин кўпгина беморлар стенокардия ҳуруж қилган тарзда ҳам врачларга мурожаат қилмайдилар. Пировардида касаллик зўрайиб инфаркт миокардига айланади. Бу дард жуда ҳам хавфлидир. У хуруж қилганида юрак тўсатдан тўхтаб қолиши ёки организм ногирон бўлиб қолиши мумкин.

Аҳолини оммавий тарзда кардиология кўригидан ўтказиб туриш бир томондан дарднинг олдини олишга ёрдам берса, иккинчи томондан аниқланган касалликни тезда даволаш имконини беради. Инфаркт миокарди одатда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Қон босими баланд кишиларда, қонда холестерин ва бошқа хил ёғли моддалар пайдо бўлганида инфаркт миокарди ривожлана боради. Кам ҳаракат қилувчи организмда, чекувчиларда, вазни оғир кишиларда бу дардга мойиллик кўпроқ бўлади. Бунга биз ўтказилган текширув давомида тўла ишонч ҳосил қилдик.

Хўш, юрак-томир ва қон босими касалликларининг олдини олиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Бунинг учун огоҳлантирувчи тадбирларни тезтез қўллаш, профилактика ишларини кучайтириш лозим бўлади. Институтимизда 1981 йилдан бери 6 мингдан ортиқ эркаклар ўртасида махсус программа асосида мунтазам равишда профилактик тадбирлар ўтказиб келиняпти. Дарди аниқланган кишилар ўртасида ҳам профилактика ишлари қизғин давом эттириляпти. Профилактик тадбирлар ва дарди маълум кишиларни диспансерларга жойлаштириш, уларни даволаш йўли билан инфаркт миокарди, қон босими касалликларининг ривожланиш йўли тўсиляпти. Беморларга чекланган калориядаги таомлар тавсия этиляпти, чекиш, кам ҳаракатланиш, ҳаддан ташқари тўйиб овқатланишнинг зиёни улар онгига етказиляпти. Огоҳлантирувчи бундай тадбирлар дардни чекинтиришга юракни соғломлаштиришга, қон босимини туширишга ёрдам беряпти.

Бугунги кунда биз икки йиллик профилактик иш тажрибасига эгамиз. Ўтказилган тадбирлар натижасидан мутахассислар мамнун бўлмоқдалар. Бу тадбирлар чекувчилар сонини камайтиришга ёрдам берди. Бу ҳол ўз-ўзидан равшанки, дарднинг ҳам олдини олди.

Кўп факторли профилактика ишлари СССРнинг яна бешта йирик шаҳрида ҳам амалга ошириляпти. Умуман мамлакатимиз бўйлаб 50 мингдан ортиқ киши актив профилактикадан катта манфаат олмоқда. Профилактик тадбирлар касалликнинг олдини олишга ва юрак-томир дардидан нобуд бўлаётганлар сонини қисқартиришга хизмат қилмоқда.

**Б. МАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон кардиологлари жамияти правлениесининг аъзоси, кардиология илмий тадқиқот институти бўлим мудири.**

## Боғча эшиклари очилди

Бу йилги ёзнинг сўнгги кунини Оҳангарон районидаги «Ғаллакудуқ» совхози ишчилари, уларнинг фарзандлари узоқ вақт эслаб юришса, ажаб эмас. Чунки шу куни хўжалик марказида 280 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Совхоз ҳисобидан ажратилган маблағни «Ташводстрой» трестининг 5-кўчма механизациялашган колоннаси ишчилари тежабтергаб сарфладилар. Натижада бир ярим гектар майдонда қўш қаватли ойнаванд бино қад кўтарди.

Бино хоналарини кўздан кечирамиз. Кенг ва ёруғ ётоқхоналар, турли ўйинчоқлар билан безатилган ихчамгина хоналар музика машғулоти ўтказиш учун мўлжалланган зал, ошхона ва бошқа иншоотлар кичкинтойларни қабул қилишга шай қилиб қўйилган.

Болалар боғчасида мўъжазгина чўмилиш ҳавзаси ҳам бор. Қурувчилар ўйин майдончалари барпо этишни ҳам назардан четда қолдирмадилар. Қумли майдон, арғимчоқлар, сирғаниш йўлакчалари ана шулар жумласидандир.

Қурилиш жараёнида территориядаги бирорта ҳам дарахтга зиён етказилмади. Аксинча қурувчилар вақт топиб, турли дарахт ва бута-лар ўтказдилар. Шунинг учун ҳам боғчанинг дам оладиган соя-салқин жойлари кўп.

Болалар боғчасининг очилиши муносабати билан совхозда митинг бўлиб ўтди. 5-кўчма механизациялашган колонна бошлиги А. Тошмуродов болаларга рамзий калитни топширди. Қаҳрамон она Х. Ўразаева, совхоз директори Г. П. Гриценко, Оҳангарон район партия комитетининг секретари Ш. П. Қаршибоева ўз сўзларида қурувчиларга миннатдорчилик изҳор қилишди. Йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева қизил лентани кесди.

Шундай қилиб янги болалар боғчаси эшиклари очилди. У совхоз ишчиларининг фарзандларини ўз бағрига олди.


# Реклама ва эълонлар

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ «ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ 11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**
**1983—84 ўқув йили учун**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди:** ёритиш бўйича электромонтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандчи, иккиламчи занжирли коммутация бўйича электромонтажчи, лифтларни монтаж қилиш бўйича слесарь монтажчи, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган), радиотелевизион аппаратурага хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича радиомеханик (фақат 10-синф маълумоти билан).

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР, ИККИ ВА УЧ ЙИЛ.

**Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

**БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.**

Билим юртига 8 синф ҳажмида маълумот билан кирганлар уч йил таълим оладилар ва уларга касб эгаллаганлиги ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар ҳар ойда 30 сўмдан 76 сўмгача стипендия оладилар (киномеханиклардан ташқари).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақининг 33 процентини ўқувчиларга берилади (электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига эса 50 процентини берилади).

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирсалар, улар учун ўқиш муддати қисқартирилади: ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса 10,5 ой.

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.**

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар корхоналарда мажбурий ишни ўтамасдан ўрта ва олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттириш учун йўлланма билан юбориладилар.

Билим юртида яхши спорт базаси мавжуд, 14 та спорт секциялари, шунингдек техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн ишлайди.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари** лозим: билим юрти директорининг номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисида ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

**Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома** (ёки паспорт), **ҳарбий рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе район, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 58, 66, 70, 79-автобуслар; 5, 6, 7, 9, 11, 24-трамвайлар: 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

155-ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**1983—84 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

узоқ масофаларга **қатновчи пассажир вагонларн проводниги.** Ўқиш муддати —бир йил. Ўрта маълумотга эга бўлган 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади. Ўқувчиларга ётоқхона берилмайди.

**Машинада қолиплаш учун қолипловчи.** Ўқиш муддати—бир йил, 8—10 синф маълумотига эга бўлган 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади, уларга ойига қуйидаги ҳажмда стипендия берилади. 8 синф маълумотига эга бўлганлар учун—30 сўм. 10 синф маълумотига эга бўлганлар учун—70 сўм. Ётоқхона берилади;

**токарь-универсал.** 10 синф ҳажмида маълумотли 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади, уларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади;

**тепловоз машинисти ва рефрижераторли поездлар механиги.** 10 синф ҳажмида маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади, уларга ойига 30 сўмдан, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган кишилар учун—72 сўмдан стипендия берилади. Ўқиш муддати—бир ярим йил;

**тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз механика қисми ремонти бўйича слесарь, электр-газ пайвандловчилар, тепловоз электр қисми ремонти бўйича слесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш қурилмалари ремонти бўйича слесарь.** Ўқиш муддати—3 йил. 8-синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-кечак, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентн билан таъминланади. Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга диплом берилади, аълочилар эса олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.

Билим юрти битирувчилари темир йўл транспорти ходимларининг барча имтиёзларидан, шу жумладан Совет Иттифоқининг исталган пунктига темир йўл транспортида бепул бориб келиш имкониятидан фойдаланадилар.


**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:** директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, ота-оналарининг иш жойидан справка, турар жойдан справка, характеристика, 8 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Червяков кўчаси, 12-уй, (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати).


● Қутлуғ сана арафасида жонажон шаҳримиз — Тошкент янада гуллаб-яшнамоқда. Тезкорлик билан қад ростлаётган янги-янги турар-жой, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари, барпо этилаётган сўлим хиёбонлар, оромбахш истироҳат боғлари унинг кўркига кўрк қўшмоқда. Суратда: Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғи шаҳар меҳнаткашларининг севимли дам олиш масканига айланиб қолган.

УзТАГ фотохроникаси.



БИЗНИНГ КОНСУЛЬТАЦИЯ

# ВАКОЛАТНОМА

**Ҳурматли редакция! Ваколатнома (доверенность)-нинг қандай ҳуқуқий аҳамияти бор? Ваколатнома олган киши унда кўрсатилган мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқига эга бўла оладими? Шу ҳақда тушунча берсангиз.**

**А. АҲМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

Ваколатнома — бир шахс томонидан бошқа бир шахсга баъзи бир сабабларга кўра ўзи бажара олмаган вазифани (ишни) вақтинча бажариш учун илтимос қилиб ёзма ҳолда топшириқ бериш демакдир.

Ваколат олган вакил ваколатни берувчи шахс томонидан шахсан ўзининг фойдасига битимлар тузиши мумкин эмас. Чунки, вакил номидан сотиш ёки ҳадя қилиш учун топширилган ҳовли-жойни, автомобиль воситаларини ёки бошқа турдаги мулкни ўзига олиши ва бу ҳақда шахсий битим тузиши ман этилади.

Қонунда белгиланиши бўйича ваколатнома ваколат берувчи номидан муайян ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш учун зарур восита ҳисобланади.

Ваколатнома уч йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Ваколатномада унинг берилган ва имзоланган вақти кўрсатилмаган бўлса, уни ҳақиқий деб бўлмайди. Агар бажариладиган ҳаракат давлат, кооператив ёки бошқа жамоат ташкилотига нисбатан бажариладиган бўлса, бундай ваколатнома нотариал тартибда гувоҳлантирилган, яъни давлат нотариал контораларида тасдиқланган бўлиши лозимдир.

Масалан, нотариал формада расмийлаштириш талаб қилинадиган битимларни тузишда, яъни олиш-сотиш, ҳадя қилиш, айрбошлаш шартномаларини тузиш ҳамда автомобиль воситаларидан вақтинча фойдаланиш учун бериладиган ваколатномалар албатта, давлат нотариал органларида расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Гражданларга қулайлик туғдириш ва уларни доимий равишда бўладиган талабларини қондириш мақсадларида, баъзи бир ваколатномаларни осонлаштирилган тарзда расмийлаштирилиши мумкин. Масалан, корреспонденцияларни қабул қилиш, посилкалар олиш, иш ҳақи ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган тўлов пулларини олиш, авторлар ва ихтирочиларга бериладиган ҳақларни, пенсияларни ва ёрдам пуллари ҳамда стипендияларни олиш учун бериладиган ваколатномалар, граждан яшаб турган жойдаги қишлоқ, посёлка ва овул Советларининг мансабдор шахслари, унинг ишлаб турган жойидаги уй бошқармаси, даволаниб турган жойдаги даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан, шунингдек ҳарбий хизматчининг тегишли ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан гувоҳлантирилиши ва тасдиқлаб берилиши мумкин.

Давлат нотариал органларининг иш тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки гражданлар ўтасида бўладиган автомобиль воситаларини олди-сотди муаммоларини белгилаш мақсадида, шахсий машинадан фойдаланиш ёки эгалик ҳуқуқини бошқа бир шахсга ўтказишда нотариал тартибдаги ваколатномани бериш ёки олиш билан чегараланиб қолиш ҳоллари учраб туради. Ваҳоланки, шундай вақтинча берилган ваколат (битим) келгусида бирорта кўнгилсиз ҳодиса пайдо бўлиб қолганда ўз кучини йўқотиши мумкин. Яъни қонун бўйича берилган ваколатнома ваколат берган шахс вафот қилган кундан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Шу ўринда тажрибадан бир мисол келтирмоқчиман. Г. номли граждан бизга шикоят билан мурожаат этди. Маълум бўлишича, унинг бир танниши ишхонасида енгил автомашинага навбати келганини, хоҳласа унга олиб бериши мумкинлигини айтган. Г. ўзида йўқ хурсанд бўлиб пулни дарров келтириб таништирга беган. Улар биргаликда пулни тўлашган, анча вақт кўнгиллари тусаган ранггаги машинани кутишган. Ниҳоят ўша рангдаги ва хилдаги янгини «Жигули» машинаси уйга келтирилган. Пул берган киши таништидан машина ҳайдаш учун ваколатнома сўрайди. Олади ҳам. Лекин шу орада бахтсиз воқеа юз беради. Машина номида бўлган киши тўсатдан вафот этади. Граждан Г. машинани ўз уйига олиб кетмоқчи бўлади. Лекин машинани ўз номига олган кишининг оила аъзолари бунга қарши чиқишади. Кейинроқ маълум бўлишича, оталари бировдан пул олганлигини сир сақлаган экан. Хуллас, орада анча нари-бери бўлиб, машинага пул тўланган одам мулкка эга бўлолмай қолади. Чунки, ваколатнома мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи учун ўтмайди. Қонун бўйича ваколатнома вақтинча топширилган вазифани ижро этиш учунгина берилади, холос. Юридик жиҳатдан мулк эгаси бўлган шахс вафот қилса мулкка эгалик ҳуқуқи унинг ворисларига ворислик қоидалари асосида ўтади.

**Х. ХОЛМАТОВА,**
**Тошкент шаҳар давлат нотариал конторасининг катта нотариуси.**

● В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиларн физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланадилар. Корхона ишчи-хизматчиларининг ярмидан кўпроғи мавжуд спортнинг 24 секциясига қатнайди.

Суратда: стол тенниси секциясида машғулотлар ўтказилмоқда.

Ф. Қурбонбоев фотоси. (ЎзТАГ).



СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

## СИРДАРЁДА КИНО БАЙРАМИ

КЕЙИНГИ йилларда республикамиз областларида кино байрамларини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Шундай кино анжуманларидан бири «Совет киноси куни» арафасида Сирдарё областида бўлиб ўтди.

Сирдарёлик томошабинлар кино кунларида ўзбек санъаткорлари томонидан яратилган «Даҳонинг ёшлиги», «107-инструкция бўйича тўнтариш», «Уйғониш», «Юксак тоғлар этагидаги учрашув» каби бадиий, «Қизилқумни нўл деманг», «Ўзбекистон—83», «Мевалар марафони», «Куз ҳам келади», «Муножот Йўлчиева қуйлайди», «Ал-Хоразмий» сингари ҳужжатли фильмларни томоша қилдилар.

Кино санъати кунларида томошабинлар Ш. Аббосов, И. Аъзамов, А. Ҳамроев, Р. Ботиров, У. Назаров, М. Оғамирзаев, М. Ёқубова, Д. Кубоева, Г. Ҳамроева, Г. Тошбоева, А. Исмоилов каби таниқли режиссёр, оператор ҳамда актёрлар билан учрашдилар. Шунингдек, кинематографчилар колхоз, совхоз ва саноат корхоналари ишчилари ҳузурида бўлиб, ўзларининг ишлари ва ижодий режалари билан ўртоқлашдилар.

**А. ЕТМИШБОЕВ.**

## ● КАТТА БАСКЕТБОЛ САБОҒИ

**«Биз Ўзбекистонда катта баскетбол сабоғини олдик, бу ерда, дўстлар мамлакатида совет спортчилари билан биргаликда ўтказилган машғулотларнинг фойдали эканини сездик» — деди Мадагаскар Демократик Республикаси спорт делегациясининг раҳбари Виктор Разамманана. Олис мамлакатдан келган меҳмонлар Тошкентнинг «Университет» командаси билан биргаликда машқ, сўнгра эса ўртоқлик учрашувлари ўтказдилар.**

**Совет спортчилари ва тренерларининг хайрихоҳлиги, чинакам ўртоқлик муносабати ана шу машғулотларга алоҳида самарадорлик бағишлади,— деди В. Разамманана. — Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз спортчиларига Африка чемпионатида муносиб белашишга ёрдам беради, деб умид қиламиз. Ўзбекистонда олган сабоқлар Мадагаскарнинг баскетбол билан қизиқаётган минглаб йигит ва қизларига наф келтиради.**

## ● ПОЛВОНЛАР УЧРАШУВИ

**Жазоир полвонлари Ўзбекистон атлетикачилари билан биргаликда машқлар ўтказдилар. Улар классик ва эркин кураш бўйича Ўзбекистон ССР терма командаларининг мураббийлари Юрий Зеленин билан Раҳмонберди Аҳмедов раҳбарлигида шуғулландилар. Тошкентда ва Фарғонада ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди. Жазоирлик спортчилар бу сафарни ўрта денгиз соҳили мамлакатларн ўртасида ўтказиладиган ўйинларга тайёргарлик программаси асосида ташкил қилдилар.**

## ● 11 ИМКОНИЯТДАН 11 ОЧКО!

**Тошкентда шахмат бўйича республика шахмат-шашка клубининг ўн иккинчи очиқ биринчилиги мусобақаларн тугади. Мусобақаларда мамлакатнинг кўпгина шаҳарларидан келган 200 дан зиёд спортчи қатнашди. Новосибирск вакили, мастерликка номзод Игорь Цесарский жуда яхши ўйнади. У 11 имкониятдан 11 очко олди. Мастерликка номзод, челябинсклик Алексей Кузьмин 9 очко тўплаб, иккинчи ўринни эгаллади. 8,5 тадан очко олган Иброҳим Каримов (Андижон), Феликс Шарий (Тошкент), Николай Перегудов (Чимкент) шундан кейинги ўринларга сазовор бўлдилар.**

## ● ТЕРМА КОМАНДА ТУЗИЛДИ

Чирчиқда городки спорти бўйича Ўзбекистон шахсий-команда чемпионати тамом бўлди. Тошкент областининг дружинаси ғолиб чиқди. Тошкент вакили, спорт мастери, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари Анатолий Смирнов республика чемпиони номини олди. Турнир якунларига кўра Ўзбекистон терма командаси тузилди. Бу команда шу йил сентябрда Оржоникидзе шаҳрида ўтказиладиган СССР чемпионатида қатнашади.

(ЎзТАГ).


Редактор
Н. НАСИМОВ.


## ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1984 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Газетанинг обуна баҳоси:
бир йилга — 6 сўм 60 тийин
олти ойга — 3 сўм 30 тийин

Обуна барча алоқа бўлимларида, корхоналар, идоралар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетани ҳар куни ўз вақтида олиб туриш учун обуна бўлишни унутманг.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

**МТ I.** 9.00 — «Время». 9.40— «Горнчилар, қаердасиз». 10.25 — «Ўқитувчи». Бадиий фильм. 12.10 — Концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 —М. В. Ломоносов. 17.25 — «Биз колхозда қоламиз». 17.55 — «В. Левашов қўшиқлари». 18.25 — Кинокўрсатув. 18.45 — «Салом мактаб». Концерт. 19.15—«Дунё воқеалари». 19.35 — «Москожоркестр чалади. 20.05 —«Кўчатлар». Бадиий фильм. 21.30— «Время». 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр» — «Динамо» (Минск) — Танаффус пайтида «Агар соғлом бўлай десанг». 23.45 — «Дунё воқеалари».

**МТ II.** 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 10.15 — «Илмий-оммабоп фильм. 10.35 — Физика. 11.05 — Астрономия. 11.35 — «Фан ва турмуш». 12.05 — Телеочерк. 12.45 — Испан тили. 13.15 — Табиатшунослик. 13.35 — «Ўқитувчига — музика сабоғи». 14.35 — «Келаси кун жадвали». Бадиий фильм. 15.55 — Усмирнинг касб танлашдаги ўйлари. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50— Ҳужжатли фильм. 19.15 — Фильм-концерт. 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 — «Туниигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Ҳамдўстлик». Телевизион журнали. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — Концерт. 23.20— Ҳужжатли фильм. 23.45 — Велоспорт бўйича жаҳон чемпионати.

**УзТВ I.** 11.30 — «Уйлаб топ». 12.00 — Телефильм. 12.30 — Фильм-концерт. 12.35 — «Серафима ороли». Телевизион бадиий фильм. 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.15 — «Тинчлик дарслари». 18.45 — «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». 19.00 «Ахборот». 19.15 — Телевизион фестиваль. «Саратон. 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Арарат» (Ереван). Танаффус пайтида «Ахборот». 21.15 — Катталар учун мультфильм 21.30 — «Время». 22.00—«Чорвачилик — зарбдор фронт»». 22.20 — П. Қодиров. «Олмос камар». Телевизион видеофильм 1-қисм. 23.30 — Янгиликлар.

**УзТВ II.** 9.00 — 16.30 — МТ II. 18.15 — Телефильм. 18.45— «Мен каби қора». Телевизион бадиий фильм. 19.45 — Реклама. 20.00 —Янгиликлар. 20.20 — «Ҳақиқий карнайчи эди». Телевизион бадиий фильм. 21.30 — МТ-II.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 07376. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б—1674. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12